



THE ESSENCE OF THE IDEOLOGICAL ASPECTS AND STRATEGY OF THE SOVIET PERSONNEL POLICY

Dilafruz Abdimannobovna Iymanova

Candidate of Historical Sciences, Associate Professor

Acting Professor of the "University of economics and pedagogy"

private higher educational institution

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: marxism, leninism, stalinism, proletariat, leadership, party, center, command, social life, local cadre, staff, apparatus, communist ideology, communist ethics, chauvinism, authoritarian regime, nomenclature, position, economic organizations, intellectuals, localization, industry, workers, employee, community.

Abstract: The ideological aspects of Soviet personnel policy in Uzbekistan, the essence of its strategy, the emergence of single-party rule in the country, and the practical work, problems, and lessons learned during the training of Soviet personnel in the spirit of Marxism-Leninism-Stalinism are covered based on archival documents and sources.

Received: 24.01.26

Accepted: 25.01.26

Published: 26.01.26

СОВЕТ КАДРЛАР СИЁСАТИНИНГ МАФКУРАВИЙ ЖИХАТЛАРИ ВА СТРАТЕГИЯСИНИНГ МОҲИАТИ

Дилафруз Абдиманнобовна Ийманова

Тарих фанлари номзоди, доцент

University of economics and pedagogy НОТМнинг профессори в.б

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: марксизм, ленинизм, сталинизм, пролетариат, раҳбар кадрлар, партия, марказ, маъмурий-буйруқбозлик, ижтимоий ҳаёт, маҳаллий кадр, ходим, аппарат, коммунистик мафкура, коммунистик ахлоқ, шовинизм, авторитар режим, номенклатура, лавозим, хўжалик ташкилотлари, зиёлилар, маҳаллийлаштириш, саноат, ишчилар.

Аннотация: Ўзбекистонда совет кадрлар сиёсатининг мафкуравий жиҳатлари, унинг стратегиясининг моҳияти, мамлакатда яқка партия ҳукмронлигининг вужудга келиши, марксизм-ленинизм-сталинизм руҳида совет кадрларини тайёрланиши давомида амалда қилинган ишлар, муаммолари, сабоқлари архив ҳужжатлари ва манбалар асосида

СУТЬ ИДЕОЛОГИЧЕСКИХ АСПЕКТОВ И СТРАТЕГИИ СОВЕТСКОЙ КАДРОВОЙ ПОЛИТИКИ

Дилафруз Абдиманнобовна Ийманова

Кандидат исторических наук, доцент

и.о. профессора университета “University of economics and pedagogy”

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: марксизм, ленинизм, сталинизм, пролетариат, руководство, партия, центр, команда, общественная жизнь, местные кадры, штаб, аппарат, коммунистическая идеология, коммунистическая этика, шовинизм, авторитарный режим, номенклатура, должность, хозяйственные организации, интеллигенция, локализация, промышленность, рабочие, служащий, сообщество.	Аннотация: На основе архивных документов и источников рассматриваются идеологические аспекты советской кадровой политики в Узбекистане, сущность ее стратегии, возникновение однопартийного правления в стране, а также практическая работа, проблемы и извлеченные уроки в ходе подготовки советских кадров в духе марксизма-ленинизма-сталинизма.
--	--

Кириш. Совет кадрлар сиёсатининг моҳиятида коммунистик руҳдаги кадрлар шакллантирилиб, кейинги босқичда улар орқали жаҳон социалистик тизимини яратиш мафкураси амалда намоён бўлиши назарда тутилган эди. Мазкур мафкурада марксизмнинг таянч тамойиллари—“пролетар инқилоби”нинг жаҳон бўйлаб ғалаба қозонишига эришишда пролетар кадрлар кучига асосланилиши кўрсатилган эди. Большевиклар кадрлар сиёсатининг концептуал асослари пролетариат диктатурасининг марксизм ғоясидан келиб чиққан.

Адабиётлар шарҳи. Тарихчи, файласуф, иқтисодчи олимларнинг нашрларида раҳбар кадрлар сиёсати масаласи иқтисодий жараёнлардаги умумий режалар асосида ёритилган. Қ.Ражабов, Қ.Қ.Куранбоев, М.М.Хайдаров, Р.Базарбаев, С.Турсунов, О.Рашидов тадқиқотларида Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизими: шаклланиши, босқичлари, моҳияти, совет тоталитар давлатчилик генезисида асосий омиллар, совет бошқарувини маҳаллийлаштириш сиёсати, яқка партия ҳукмронлигининг вужудга келиши ҳақида, давлат номенклатурасининг қаттиқ исканжаси, компартиянинг марказ билан боғлиқ сиёсати, муҳим қарорларнинг деярлик барчаси тор партия доирасида қабул қилиниши ва бутун мамлакат учун мажбурий қилиниши, маҳаллий раҳбар кадрларга совет сиёсатининг муносабатлари, ижтимоий-иқтисодий ҳолати, саноат ва қишлоқ хўжалигининг зиддиятли ривожланиши алоҳида таҳлил қилиб ўрганилган. Тарихчи ва файласуф олим Н.А.Бердяев “Рус коммунизмининг моҳияти ва манбалари” асарида

пролетариат диктатураси ҳақида қўйидагича фикр юритади: “Пролетариат диктатураси, яъни коммунистик партия диктатураси буржуа давлатларига қараганда нисбатан кучли ва мустабид давлат ҳокимиятини ифодалайди. Марксча назарияга кўра, давлат доимо синфий ҳукмронлик ташкилоти, ҳукмрон синфларнинг эзилган ва эксплуатация қилинган синфлар устидаги диктатураси бўлган. Синфлар йўқолгандан сўнг давлат ўз ўзидан ўлади ва ташкилотчи жамият билан алмашади. Синфлар ҳозир бор экан, давлат ҳам мавжуд бўлади[1]. Бундан ташқари, марксистик назарияда ҳамisha совет давлати икки функцияни, яъни яратувчилик (социалистик жамият қуриш) ҳамда мажбурлаш (эксплуаторлар қаршилигини бостириш) функцияларини бажараётгани кўринган. Бироқ булар назариядагина мавжуд эди. Амалда “эксплуататорларни” бостириш учун бутун меҳнаткаш халққа қарши қатағон, ҳар қандай бош тортишлар жиноий жавобгарлик билан меҳнат мажбуриятининг жорий этилиши, давлат томонидан тоталитар равишда иш ҳақининг чекланиши, колхоз-совхоз тузуми, совет давлатининг зўравонлик шакл ва функцияларини олиб келди [2]. Марксизм-ленинизм классиклари асарларида социалистик давлатни бошқа ҳар қандай турдаги давлатларга қарши қўйдилар. Уларнинг фикрича бу давлатларда ҳокимият эксплуатация қилувчи озчилик қўлида бўлиб, эксплуатация қилинувчи кўпчилик қаршилигини бостиришда ундан фойдаланишда, деб билдилар.

Муҳокама ва натижалар. Коммунистик таълимот асосчилари К.Маркс ва Ф.Энгельс томонидан ишлаб чиқилган марксизм таълимотида синфий манфаатларни устиворлик ғояси илгари сурилиб, моддий ишлаб чиқариш усули, ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари жамиятнинг негизи сифатида қаралди. Марксизм моддий ишлаб чиқаришини мутлоқлаштириб, жамият тарихига синфлар кураши сифатида қарайди. Улар ишчилар синфининг тарихий вазифаси деган “назарияни”, сўнгра унинг диктатураси жамиятдаги барча синфлар ва қатламлар устидан раҳнамолиги ғоясини асослаб бердилар. Пролетариат “замоннинг ижтимоий ақл-идроки ва ижтимоий қалби” деб эълон қилинди. “Пролетар инқилоби” ғояси бошқача фикрловчи ҳар қандай шахсга, унинг кадр-қимматига, эркинлик ғоясига, хусусий мулкига, яшаш тарзини танлаш ҳуқуқига қарши қаратилган эди[3]. Марксизм изчиллик билан Россияга сингиб борди. Марксизм таълимоти асосида большевиклар Ленин бошчилигида Россиядаги октябр тўнтаришини амалга оширди ва коммунистик тоталитаризмга хизмат қилди. Марксизм ва ленинизмнинг мутлоқ ҳақиқатини ғайрат билан ҳимоя қилган мафкура барчани марксизм ва большевиклар инқилоби муваффақиятга олиб келганига ишонтиришни мақсад қилган.

В.И.Ленин большевикларнинг миллий дастурини ишлаб чиқишда синфий манфаатларга бўйсунтириш методологиясини тўлиқ сақлаб қолган ҳолатда чинакам марксчи сифатида пролетар кадрларни шакллантиришга эътибор қаратди. Совет ҳукуматида кадрлар масаласини ҳал қилишда марксистча тарбия бериш ишини намунавий тарзда ташкил этилмасдан амалга оширилиши мумкин эмаслиги таъкидланган. В.И.Ленин ва И.В.Сталин ўз асарларида бу таълимотни бойитиб, унга ленинизм ва сталинизм назариясини қўшишди. Сталин ВКП(б)нинг XVIII съездида, “Марксизм-ленинизм руҳида кадрларимизни тарбиялаш- бу барча вазифаларимизнинг 9/10 қисмига ечим топиш демакдир” [4], “Янги социалистик жамият қуриш учун бизга янги, коммунистик руҳда тарбияланган кадрлар зарур. Ёш кадрларни тарбияламасак, социализмнинг истиқболи хавф остида қолади” [5]. Давлат ва партия кадрлар масаласини янги куч билан кўтариб, кадрларни танлаш, тайёрлаш ва тарбиялаш соҳасида амалий кўрсатмалар берди[6]. Партияга коммунистик руҳдаги кадрларни тайёрлаш вазифаси қўйилди. Тайёрланган кадрлар бошқарув соҳаларида турли лавозимларга қўйилиб, улардан унумли фойдаланилди. Совет давлати раҳбарлари бошқарувга меҳнаткашларнинг мутлоқ кўп қисмини жалб қилишга интилди. Кадрлар сиёсатида ленинча-сталинча концептуал ёндашувлар шаклланди, тайинлаш ва лавозимга кўтариш каби амалий шаклларга эга бўлди. Маълум вақт ўтгандан кейин масъул лавозимларда ишлаган раҳбар кадрлар кўрсатилган миссиясини бажариб бўлганидан кейин аянчли ҳолатда йўқ қилиниш каби “сталинча сиёсат” билан биргаликда олиб борилди.

В.И.Лениннинг “Советлар фақат қоғозда эмас, балки ҳаётда халқнинг мактабига айланиши лозим. Уларга масъулиятли кадрлар тайёрланиши ва бу кадрлар халққа хизмат қилиши шарт” [7] каби ғоялари, марксизм-ленинизм КПССнинг назарий асосларидан бўлди[8]. Бошқарув тизимидаги шаклланиб бўлган ҳолатлардан фақат директив кўрсатмалари асосида давлат идораларида ишловчи раҳбар кадрларни ҳам ноқулай аҳволга солган. Сабаби кўп ҳолатларда коммунистик директив кўрсатмалар қонундан устунлик қилган. Раҳбар кадрлар ва ходимлар “юқорининг кўрсатмаси” сифатида мазкур кўрсатмаларни бажараверган[9]. Бу ҳолатдан кўриниб турибдики, кадрлар онгида кўрқувга асосланган бир хил фикрлаш, яъни “Бизни ўйлайдиган, йўриқ берадиган ҳукумат ва партия бор” тушунчаси юзага келиб, уларда “ночорлик синдроми”, “қуллик психологияси” шаклланди. Ленинизм ва сталинизм назариясининг шовинистик ва мустамлакачилик моҳияти кадрлар сиёсатида ҳам ўз ифодасини топди. Давлатни бошқаришда ва идора қилишда бу тизим “советлар+партия+жамоат ташкилотлари”нинг бирлигини ўзида ифода этиб амалда компартиянинг ягона раҳбарлик тамойилига

таянилды. Ленин таълимотида, “Давлат синфий ҳукмронликнинг қудратли аппаратиدير. Давлат эксплуататор ва эзувчиларнинг синфий қаршилигини бостириш учун алоҳида восита сифатида пайдо бўлди. Пролетариат қўлида эса, давлат синфий душманларнинг қаршилигини синдириш, душманларни батамом тор-мор қилиш ва капитализм жамиятининг иқтисодий базаларини, унинг бутун қолдиқларини революцион йўл билан битириш, социализм, коммунизм қуриш қуролидир”[10], “Маълумки синфларни батамом йўқ қилмоқ учун эксплуататорларни, помещик ва капиталистларни ағдариб ташлашгина эмас, уларнинг мулкларини бекор қилмоқ керак, шаҳар билан қишлоқ ўртасида тафовутни ва шунингдек жисмоний меҳнат кишилари билан ақлий меҳнат кишилари ўртасидаги тафовутни ҳам йўқотмоқ керак. Бу жуда узокқа чўзиладиган иш” [11], деб таъкидлайди. Бу мафкуравий ғояларнинг замирида, кадрлар сиёсати масаласида пролетариат, яъни ишчи-деҳқон синфларидан фойдаланган ҳолда зиёли, мулкдорлар сиқиб чиқарилиши назарда тутилган. Давлатда мулкдор, бой, хусусий мулки бўлган фуқаро умуман бўлмаслиги керак бўлган. Ишчилар шаҳарларда завод-корхоналардан чиқмай тинимсиз меҳнат қилиши, деҳқонлар ўз қишлоғидан ҳеч қаярга чиқмай қишлоқ хўжалиги ишлари билан банд бўлиб, оғир меҳнатларга жалб қилиниб белгилаб берилган режаларни бажариш кераклиги назарда тутилган эди.

Тарихий луғатларда коммунистик (лотинча communis - умумий, ялпи) мафкураси ҳам сохта ғояларга асосланган мустабидчилик мафкураларининг бир кўринишидир. Бу мафкурага XIX асрда яшаб ўтган немис файласуфлари К.Маркс ва Ф.Энгельс асос солган[12]. Бир кўринишда, бу мафкурада байналминаллик ғоялари қабул қилинган бўлсада, бироқ унда халқларнинг миллий ўзлиги, миллий ғурури, умуман олганда, ҳар бир миллатга хос бўлган унинг маданий-маънавий хусусиятлари камситилади ва уларнинг йўқ бўлиб кетиши кўзда тутилади. Бу мафкура тарафдорлари, ўзларининг мақсад-муддаоларига эришиш йўлида, уни барча жамият аъзоларининг онги ва қалбига турли усуллар билан сингдиришга ва марксистик ғояларига асосланган дунёқарашни бутун давлат миқёсида яқка-ягона ҳукмрон мафкуравий асос бўлиб қолишига жон-жаҳди билан интиладилар. Давлат таянчига айланган бундай мутлақлаштирилган яққаҳоким мафкура ҳукмронлик қилган жамиятда бошқа барча мафкуравий кўринишлар қораланади, сўз ва шахс эркинлиги таъқиқланади, жамият давлатлашади, яъни мустақил бўлган жамоат ташкилотлари ва нодавлат тузилмалари йўқотилади, марказий ва маҳаллий ҳокимият қонун билан чекланмайдиган ва аслида қонунга бўйсунмайдиган кучга айланади. Шу билан бирга, қабул қилинган ҳуқуқий қонунларнинг роли (мақоми) камситилади, шунинг учун ҳам жамиятнинг барча жабҳаларида зўравонлик ҳукм сура бошлайди, инсонларнинг

эркинлиги ва ҳар қандай миллийликнинг кўринишлари поймол қилинади, марказий ва жойлардаги ҳокимият битта сиёсий партия қўлига ўтиб қолади ва бошқа мафкуравий ғояларга асосланган партиялар мутлақо таъқиқланади. Жамиятда содир бўлаётган ҳар бир ижтимоий ҳодиса, воқеага синфийлик ва партиявийлик нуқтаи назаридан муносабатда бўлиш туфайли собиқ СССРнинг барча республикалари қатори Ўзбекистон ҳам жаҳон ҳамжамиятидан ажралиб қолди. Барча жойларда пролетар бўлмаган кадрларга, зиёли раҳбар-ходимларга нисбатан “сунъий” ҳолатда нафрат кўзғатиш кучайтирилди[13].

Инқилобдан кейинги йилларда бошқарув органларида малакали ва саводли раҳбар кадрларнинг жиддий етишмовчилиги юзага келди. Ўша давр раҳбарлари 3 тоифага бўлинди:

1. инқилобчи партия кадрлари,
2. мутахассислар,
3. шошилишч ўқитилган ишчилар («выдвиженецлар»).

Аста-секин учинчи тоифадаги раҳбарлар қолган икки тоифани сиқиб чиқарди ва бу бошқарувчиларнинг ижтимоий келиб чиқиши ва ҳолатида жиддий трансформацияга олиб келди. Марказ кадрларнинг маданий савия етишмовчилигини маъмурий-буюруқбозлик чоралари билан қоплашга ҳаракат қилдилар[14]. Бундан кўринадики инқилобдан кейин кадрлар масаласида жиддий хатолардан кадрлар танлашда саводлилик ва малака даражаси, касбий маҳорати, билими эътиборга олинмади, балки синфий ёндашувнинг асосий ғояси ишчилар синфини ташкил этувчи сиёсий кучлар манфаатларининг барча ижтимоий гуруҳлар манфаатларидан устунлигини белгилаб берди.

1918 йил 10 июлда бўлиб ўтган Бутунроссия ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Совети съездида РСФСРнинг биринчи конституцияси қабул қилинди. У асосий қонун сифатида давлат бошқаруви принципларини тартибга соларди. Конституцияга кўра, “Барча ҳокимият Советларга тегишли эди”. Ер, савдо, саноат ва транспорт корхоналари (мол-мулки билан бирга) давлат мулки деб эълон қилинди. Давлат лавозимларини эгаллаб турган ва олдин хусусий мулкка эга бўлган фуқаролар, шунингдек руҳонийлар ва хусусий савдогарлар барча фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум этилди[15]. Бундан кўринадики совет фуқаросининг сиёсий, ижтимоий, моддий ҳуқуқи йўқ қилинди. Ўзининг хусусий мулкига эга бўлмаган инсоннинг эрки бўлмаслиги, қуллик тузумига маҳкумлиги аниқ бўлиб қолиши, кадрлар сиёсати ҳам бу мафкура таъсирини кўрсатиб, “кадрлар фалажлиги”ни, яъни мустақиллиги, эркинлигини йўқотишини юзага келтирди. Фуқаролар давлат ва маҳаллий бошқарувда ишлаш, сайловларда иштирок этиш, озиқ-овқат карточкалари олиш ва ижтимоий ҳимоядан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Табақавий ёндашувнинг

ўрнига давлат бошқарувида синфий ёндашув юзага келди. Мазкур қонун ҳужжатидан кўришимиз мумкинки, совет тузумининг сиёсий бошқарувдаги ёндошуви кейинги йилларда худди шундай тамойил асосида давом этди. Кадрлар сиёсати масаласида эса мазкур мафкура амалиётда келгусида ҳақиқий партиявий кадрлар сиймосини яратди.

1922 йил 30 декабрда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи (СССР) ташкил топди. Янги совет давлати – СССРнинг асосчиси, ташкилотчиси В.И.Ленин бўлсада, амалда бу давлат И.В.Сталин ғоялари асосида бевосита унинг раҳбарлигида ташкил қилинди (СССР дастлаб тўрт республика: РСФСР, Украина ССР, Белоруссия ССР ва Закавказье СФСР кирган). СССРнинг ташкил қилиниши билан Туркистон ўлкасининг тақдири ҳам узил-кесил биргаликда ҳал қилинди[16]. Республикаларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳукуқи қоғоздагина бўлиб бутун давлат бошқаруви, шу билан биргаликдаги кадрлар сиёсати масаласи марказ кўлида бўлди.

В.И.Ленин давридаги кадрлар сиёсати ҳали тизимли эмас эди. Совет давлати шаклланишининг дастлабки даврида кадрларнинг кескин етишмовчилиги мавжуд эди[17]. Коммунистик ҳукмронлик монополиясини кучайтириш, пролетар диктатурани кенгайтириш мақсадида совет ҳукумати 1924 йилнинг бошидаёқ ишчиларни партияга оммавий қабул қилишини эълон қилди. Бу “Ленин чақируви” номи билан машҳур бўлди. Партия талаби бўйича ҳақиқий пролетар партия ходими сиймоси- синфий онгга эга бўлиши, революцияга ва большевиклар партиясига садоқат билан хизмат қилиши керак эди. 1920 йиллар бошида кўплаб ишчилар бу талабга дош бера олмай қолганликлари учун “тасодиқий элементлар” деб ҳисобланди. Шундай бўлсада қаттиқ ғоявий ҳаракатлар сабаб ишчи ва деҳқонлардан пролетарлар сони ортиб борган. 1920 йиллар бошида фуқароларни партияга қабул қилишда “инқилобдан олдин” ва “инқилобдан кейин” шаклланган синфий мансублик мезон сифатида эътиборга олинди[18].

Большевикларнинг ғалабаси монопартиявий тизимни жорий этишнинг бошланишини кўрсатди. Коммунистик партия ишчи, деҳқонлар синфининг алоҳида сиёсий ташкилоти сифатида вужудга келиб, унинг авангардини бирлаштирди. Бу янги тузилган партия социалистик революциялар ва пролетариат, социализм ва коммунизм тузумини куришда асос бўлди[19]. В.И.Ленин, “Биздаги асосий камчилик- ишчи ва деҳқонлардан тайёрланган малакали кадрларнинг етишмаслиги. Шунинг учун тузилган партиянинг асосий вазифаси- янги кадрларни тарбиялаш ва уларни давлат аппаратида ишлатишдир” [20], “Советларда хизмат қиладиган ҳар бир киши ишчи ва деҳқон массаларининг ишончини оқлай олиши керак. Акс ҳолда, бундай одам давлат хизматида ярамайди. Деҳқонлар ҳам пролетариатнинг иттифокчиси, айниқса ер учун, ер

эгаларига қарши курашда улар асосий куч ва воситадир” [21]. Бундан кўринадик, В.И.Лениннинг асосий ғоявий мақсади ишчилар ва камбағал деҳқонлар ўртасидаги иттифокни мустаҳкамлаб, социализм куришда уларга таяниш муҳимлигини таъкидлаган. Синфларнинг яккахукмронлиги ўрнатилган давлат очик синфий сиёсат олиб борган ва бу сиёсат жамиятнинг аввалги эски тузилмасини мутлақо тугатишга қаратилган эди.

Тарихчи Д.А.Волкогонов совет бошқарувининг 1925 йилдан қандай мафкурада бўлганлиги ҳақида қуйидаги ҳаққоний фикрларни беради, “Совет давлатининг дастлабки йилларида унинг иқтисодий-ижтимоий сиёсати эски тузумнинг мустақил ҳаракат қилувчи субъектлари фаолиятини чеклашга йўналтирилган бўлса, 1925 йилдан бошлаб бу сиёсат катъий синфийлаштирилган ҳолатда амалга оширила бошлаган:

а) Сиёсий соҳада: партия ва давлат аппаратининг бирлашиши, ВКП(б)нинг умумдавлат аппаратида айланиши, иқтисодиёт устидан сиёсатнинг устунлиги... бугунги кунда биз “сиёсий абсолютизм” деб атайдиган ҳолат шаклланди. Марказ раҳбари учун хўжалик мантиғи, халқ манфаатлари, моддий имкониятлари ҳисобга олинмади;

б) Ижтимоий-иқтисодий соҳада: бюрократиянинг умумийлашуви, унинг мафкурарий шаклдаги давлат мулкига айланиши ва унинг аппаратида ифода топишида кўринди. Сталин ҳукумати бюрократиянинг идеал намунаси бўлиб, одамлар руҳий босим билан эрксизлик, ёлғон ва ёпиқлик руҳида тарбияланди. Ҳар бир амал аниқ, тартибга солинган ва кўрсатмалар асосида бўлди. Умумий таъкидлаганда “Директива триумфи даври” келди-бу эса халқ руҳидан узоқлашувни кўрсатди.

в) Маънавий соҳада: марксизм (асосан) догматлашди, фақат расмий нуқтаи назарга айланди. Мумкин бўлмаган фикрлар умуман таъқиқланди. Эркин фикр ва шахс қадри-формал расмий гапларга айланди. Худди шу пайтда ҳукмдорлик, эрк ва меҳнат устидан назорат кучайди. Музейлар – ҳақиқатни эмас, расмий тўпламни намоён қилувчи жойларга айланди[22].

Советларнинг ғоявий стратегияси моҳиятида қурбонлик социализми, зўравонликни мутлақлаштириш бўлиб, инсон шахсиятини инкор қилди, сиёсий ва маънавий эркинликни камситди, давлатни халқ ҳокимиятининг олий шакли эмас, балки қаттиққўл тоталитар режимга айлантирди. Давлат диктатор бошқарувидаги “ишчи ва деҳқонлар давлати” деб аталди. Сталинизм стратегиясининг асоси шундай тамойилга таянди: “Олий Бош қўмондонлик ҳеч қандай қурбонликлардан қайтмаслиги ва ўз мақсадларидан тўхтамаслиги керак” [23]. И.В.Сталин, “Кадрларни танлаш ва жой-жойига тўғри қўйиш-партиянинг энг муҳим вазифаси. Ходимни жойига қўйиш- бу санъат. Шу ишда хато қилсак, бутун ишимизга зарар етказамиз” [24] деб таъкидлаб, кадрлар сиёсатидаги

бошқарув тамойилларини демократик талаблар асосида эмас, балки қаттиққўл “темир” режим асосида амалга оширди. Тарихчи О.В.Хлевнюкнинг фикрига кўра, Сталин диктатураси энг аввало, кучли партия ва давлат структураларига, террор ва зўравонликка, шунингдек, жамиятни мафкуравий манипуляция қилиш, имтиёзли гуруҳлар танлаб олиш ва прагматик ҳодисалар шакллантиришга асосланган ўта марказлашган режимни ифодалаган[25]. Бу қаттиққўл ўта марказлаштирилган сиёсат таъсирида совет кадрларининг фикрий ривожланишида ғоявий-мафкуравий боқимандалик авж олди, кадрлар ҳурфикрлигига қарши «сиёсий саводсизлик», «ғоявий камбағаллик», «миллатчилик» сингари ёрлиқлар билан зарба берилди. Натижада совет ва партия ходимининг андозасига мос сиймо-эталон вужудга келди. Мазкур тадқиқот даврида кадрларнинг саноатда, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш билан боғлиқ малакалари, янгилинишларга бўлган интилишлари, сиёсий-ахлоқий маданиятини кўтаришга етарли эътибор берилмагани ҳолда, уларнинг онгига асосан партия ғоялари, съездлар, пленумлар қарорлари, сиёсий раҳбариятнинг авторитар фикрларининг кўрсатмалари ва йўл-йўриқларини юқори даражадаги ҳақиқат деб эътироф этиш ғояси сингдирилиб борилди[26]. И.В.Сталин “Бизда янги социалистик иқтисодиёт барпо этиш учун янги турдаги кадрлар- техник билимга эга, совет халқининг ишончли ва садоқатли партияга содиқ фарзандлари керак[27], деб таъкидлаб, жойларда худди шу кўринишдаги партия талабларига мос кадрларни тайёрлашга эътиборни қаратди. Совет давлатининг ўлка халқлари “саводсиз”лигини тугатиш, мактаблар қуриш, соҳалар бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш, маданият ва санъатни ривожлантиришга бағишланган тадбирларидан асосий мақсади амалиётда аҳолини, бўлғуси совет кадрларини “коммунистик рух”да қайта тарбиялашдан иборат бўлди.

Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши (1925 йил 17 февраль), унинг СССР таркибига кириши (1925 йил 13 май) билан минтақада кадрлар сиёсати масаласида ҳам янги босқич бошланди. Совет ҳокимияти ва коммунистик партия томонидан сиёсатни ўта мафкуралаштириш, маънавий ҳаётда маъмурий буйруқбозлик асосида раҳбарлик қилиш оқибатида сиёсий зиддиятлар йил сайин кучайиб борди. Совет ҳукумати томонидан миллатларнинг ҳуқуқини ўзи белгилаш эълон қилинган бўлсада, амалда бу ҳолат ўлкаларда мутлақо кўринмади. Ўзбекистон ССРда 1925 йилдан бошлаб совет иттифоқи таркибига кирган 6 та “иттифоқдош республика”нинг бири сифатида социалистик жамият асосларини қуриш давом эттирилди.

1925 йил 13 февралда Бухорада махсус қурилган Халқ уйида Бутун ўзбек советларининг I таъсис қурултойи очилди. Қурултой фаолиятида Москвадан махсус

жўнатилган Бутуниттифоқ Марказий ижроия қўмитаси раиси Михаил Калинин нутк сўзлади. Қурултой қатнашчилари томонидан 1925 йил 17 февралда “Ўзбекистон совет социалистик республикасини ташкил этиш тўғрисида декларация” қабул қилинди. Декларацияда Ўзбекистон ССР таркибига Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё, Зарафшон (Бухоро), Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Тожикистон АССР кирганлиги таъкидланди[28]. Таниқли давлат арбоби Файзулла Хўжаев Ўзбекистон ССР Халқ комиссарлар совети раиси, Фарғона водийсидан чиққан “Қўшчи” уюшмаси фаоли Йўлдош Охунбобоев Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси Президуми раиси қилиб сайланди[29].

Шу билан бир вақтда Ўзбекистон Компартияси 1925 йил 6-12 февралда расмий равишда ташкил топди. Ўзбекистон ССРнинг сиёсий ҳаётида коммунистик партия етакчи аҳамиятда бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети масъул секретарлари қилиб Владимир Иванов, Акмал Икромов сайланди. Совет давлатида КПСС ҳукмрон партия сифатида ҳокимиятда монополияга эга бўлди. Ўзбекистон Компартияси Совет Иттифоқи Коммунистик партияси (КПСС)нинг Ўзбекистон ССРдаги филиали ҳисобланди. Компартия республикада совет бошқаруви тизимида фаолият юритаётган бошқарув кадрларининг ўрнини белгилаб, доимий равишда ўзининг таъсирини мустаҳкамлаб борди. Таркибига кўплаб коммунистларни бирлаштириб борган Компартия республикада амалда бошқарув ҳокимиятини ўз қўлига олди. Совет ҳокимияти ва коммунистик партиянинг кадрлар танлаш ва тарбиялаш, улардан фойдаланишга қаратилган сиёсати доимо марказнинг манфаат ва мақсадлари билан узвий боғлиқ бўлди[30]. Ўзбекистон Компартияси ҳукумат фаолияти устидан қаттиқ назорат ўрнатишдан ташқари, бошқарувига мунтазам равишда аралашиб турди[31]. Марказ Ўзбекистондаги сиёсий, иқтисодий-ижтимоий вазиятни назорат қилиб туриши ва республикада социализм қурилиши тенденциясини белгилаб берган йўналиш бўйича боришини кузатиш учун махсус сиёсий институтларни ташкил қилди. Шундай бошқарув институтларидан бири, Ўзбекистон компартияси Марказий Комитети ҳамда вилоят, шаҳар партия қўмиталарининг иккинчи секретари лавозими бўлиб, бу лавозимга асосан, рус ёки славян миллатига мансуб фуқаро марказ томонидан тайинланарди. Амалда иккинчи котиб республикадаги муҳим сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича қарор қабул қилишда деярли ҳал қилувчи овозга эга бўлиб, у доим марказнинг манфаатларини биринчи ўринга қўярди. Бу муаммо Ўзбекистондаги ҳукумат ва партия органларининг ваколатлари масаласида тобора кучайиб борди[32].

Ўзбекистон Компартия кенг меҳнаткашлар оммасининг онгига “тинч” кураш воситалари орқали ғоявий-сиёсий, мафкуравий таъсир кўрсатиш йўлидан борди. Ўз сафларини “илғор ишчилар, қишлоқ йўқсиллари ва ярим йўқсиллар, шунингдек, хизматчилар ҳисобига муттасил кенгайтириб борди[33]. Компартия иложи борича кўпроқ корхоналар ва ташкилотларни ўзининг бевосита таъсири билан қамраб олишга, уларда партия ячейкалари ва ташкилотларни жорий этишга, шу йўл билан уларни бевосита бошқаришга интилди. Жойларда кадрлар масаласи билан шуғулланишда, уларнинг ижтимоий кафолатини таъминлашда, қолаверса, улар тақдирини ҳал қилиш мутлақ марказдан келган раҳбар кадрлар қўлида бўлди. Умрида маҳаллий муҳитни тушунмаган, кадрларнинг ишчанлик қобилияти, ташкилотчилиги, билим даражаси, одамлар билан ишлаш малакаси билан мутлақо таниш бўлмаган киши, улар билан лоақал бирор марта суҳбат курмаган киши кадрлар ҳақида узил-кесил фикр билдирадиган ва кадрларни у ёки бу лавозимга тавсия қиладиган ҳуқуқга эга бўлди[34]. Компартия стратегик бош дастурий мақсадини жуда усталик ва эҳтиёткорлик билан режали суръатда, аммо изчиллик билан амалга оширди. Ўзбекистон ССР МИК томонидан ижро қилувчи ва тақсимловчи орган-Халқ Комиссарлари Совети (ЎзССР ХКС) тузилди. Совет конституциясида кўрсатилишича, Ўзбекистон ССР ХКС қуйидаги таркибда ташкил қилинади: Халқ комиссарлари совети раиси, раис ўринбосари, Халқ Хўжалиги Олий совети, молия, савдо-сотиқ, меҳнат, ишчи-деҳқон назорати, ер қишлоқлари, адлия, маориф, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот халқ комиссарлари, сув хўжалиги бошқармаси раҳбарларига бўлинган. Бундан ташқари, Марказий статистика бошқармаси бошқарувчиси ва иттифок миқёсидаги халқ комиссарларининг вакиллари марказ томонидан тайинланиб, ЎзССР МИК томонидан тасдиқланган[35]. Ўзбекистон ССР ХКСнинг тузилиши жойларда кадрлар фаолияти назоратини янада кучайтириш имконини берди.

Совет даврида кадрлар сиёсатининг устивор тамойили давлат аппаратида раҳбарлик лавозимларига номзодларнинг партиявий мансублиги эътиборга олинган. Бошқарув соҳаларидаги кадрларни ғоявий, мафкуравий қарамлик, мажбурий мутелик руҳида тарбиялаш коммунистик партия сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланган[36]. Кадрлар масаласида “Раҳбар кадрларни сиёсий ва ишчанлик фазилатларига кўра сўзсиз, эътирозсиз бўйсунувчиларни танлаш ва жой-жойига қўйиш” деб номланган ёндашув шаклланди. Давлат аппаратида кадрларнинг лавозимларни эгаллаши ва хизмат бўйича кўтарилиши учун партия органининг розилиги зарур қилиб қўйилди. Давлат кадрлар сиёсатини амалга оширишнинг кадрлар ротацияси-сафарбарлик кўчиришлари ва масъул ходимларни бир участкадан иккинчисига кўчириш ва кўтарилиш

каби механизмлари кенг тарқалди. Коммунистик партия томонидан республикадаги давлат органлари- советлар ва ижроия кўмиталар, шунингдек, ижтимоий ташкилотлар- касаба уюшмалари, комсомол, суд, прокуратура ва бошқа органлар фаолиятини назорат қилиб боришга, умуман, жамиятнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаёти устидан партия тўлиқ назорати ўрнатилишида асосий аҳамиятга эга бўлди. 1924 йилда Ўзбекистон касаба уюшмасининг ташкилий бюроси тасдиқланди. Меҳнаткашларнинг энг оммавий ҳисобланган ушбу ташкилоти большевистик партия йўриқлари асосида ташкил қилинган бўлиб, 1925 йил бошларида у 90 мингдан ортиқ кишиларни бирлаштирган эди. Партия ҳуқуқронлиги мустаҳкамланиб борган сари касаба уюшмалари ишчилар ва хизматчиларнинг ҳаётий манфаатларини таъминлашдан иборат ўзларининг расмий функцияларини бажариш ўрнига, кадрларни ижтимоий муҳофазаланишига ёрдам беришдан ҳам маҳрум бўлиб бордилар.

Ўзбекистонда ҳам совет кадрлар сиёсатининг тамойилларига тўлиқ амал қилинган ҳолатда саноат ва қишлоқ хўжалиги қурилишини кенг суръатда жадаллаштириш бошланди. Сталинизм стратегияси асосида маҳаллий кадрларни шакллантириш, саноатни ишчи кадрлар билан таъминлаш, аграр соҳадаги мутахассислар, ишлаб чиқариш ва инженер-техник зиёлилар, фан, маданият ва санъат соҳасидаги ходимларни тайёрлаш асосий зарурият бўлди[37]. Совет кадрларини тайёрлаш тадбирларини амалга ошириш жараёнида маҳаллий аҳолининг миллий манфаатлари, ижтимоий, моддий ҳолатлари, саводлилиқ даражалари эътиборга олинмади. 1924 йилнинг 1 декабридаги маълумотларига асосан 16000 нафар коммунистдан 6000 нафардан кўпроғи умуман саводсиз бўлган. Иттифоқ бўйича эса 1926 йилда саводдилар 51,1% эди[38]. Кейинги йилларда бошқарувда, саноатлаштириш сиёсати авж олдирилган пайтда техникаларни тўғри бошқариш учун кадрларнинг саводлилиқ даражаси зарурият эканлиги яққол кўриниб қолди. Янги техникаларни ишлатишни билишида ишчи, техник кадрларнинг билим, малака даражаси зарур эди. Шу сабабли Ўзбекистонда 1927 йилда саводсизликни тугатиш бўйича 1122 та мактаб очилди, уларда 34739 киши ўқиди. Турли сиёсий оқартурув муассасалари ҳам барпо этилди. 1927 йилда 203 та кутубхона, 163 та клуб, 233 та ўқиш хонаси 7 та деҳқонлар уйи, 2 та халқ уйи, 9 та музей ташкил этилди[39].

Партия, хўжалик ва давлат қурилиши масалалари Марказий Комитетнинг пленумларида ва партия съездларида муҳокама қилинди. 1925-1926 йилларда Иттифоқда партияга 800 мингдан зиёдроқ киши, шу жумладан, 500 мингдан кўпроқ ишчи қабул қилинди. Мамлакатни саноатлаштириш йилларида партия ташкилотлари анча кўпайди. 1927 йилда уларнинг сони 4 мингга яқинлашди[40]. Ишчи кадрлар асосан 5 та асосий

манба ҳисобига кўпайди: Булар қишлоқ, шаҳар аҳолиси, хунармандлар, бошқа республикалардан келган ишчилар ва хотин-қизларни саноат, ишлаб чиқаришга жалб этиш орқали амалга оширилди. Аниқроқ таъкидлаганда, республикада ишчилар синфининг сафлари қишлоқ аҳолиси- колхозчилар, якка деҳқонлар, батраклар, шаҳар аҳолиси турли ижтимоий табақаларининг вакиллари хунармандлар, косиблар ва мамлакатнинг бошқа районларидан келган кишилар ҳисобига йил сари кенгайиб борди. 1927 йилда Ўзбекистон халқ хўжалигида қишлоқ хўжалигининг салмоғи 62,6%, саноатнинг салмоғи 38,4%ни ташкил этар, шу билан бирга саноат ишлаб чиқаришининг 90% и қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлашга асосланган эди [41].

Архив маълумотларида кўринадик, совет қурилишининг қониқарсиз ҳолатда бориши, етарли миқдорда ўқитилган бошқарувчи малакали кадрларнинг йўқлиги, нафақат қуйи ёки юқори, балки туман ва вилоят ҳокимиятлари ўртасида ҳам бу салбий ҳолатлар яққол кўринганлиги таъкидланган[42]. Совет тузуми таркибидаги миллий республикаларнинг маҳаллий хусусиятлари, жумладан, ўзбек халқининг миллий манфаатларини инкор этувчи ҳукмрон сиёсат яққол кўринган. Совет ҳукумати ёш авлодни, бўлғуси кадрларни коммунистик руҳда тарбиялашга мунтазам эътибор қаратган. Бу ишлар билан Ўзбекистон ленинчи коммунистик ёшлар союзи шуғулланган. Совет кадрларини тайёрлашда қизил чойхоналарнинг ҳам алоҳида ўрни бўлган, уларнинг мақсад ва вазифалари қуйидагича эди:

- а) Ишчи ва деҳқонларни партия, ҳукумат, Ўзбекистон ва Совет Иттифоқининг хўжалик сиёсати ва иқтисодий вазифалари билан таништиришда ёрдам бериш;
- б) Ишчи ва деҳқонларда интернационал коммунистик дунёқараш ва меҳнатга социалистик муносабатни ривожлантириш;
- в) Меҳнаткаш оммани ижтимоий-иқтисодий қурилиш, касаба уюшмалари ва компартияга фаол жалб қилиш;
- г) Ишчи ва деҳқонларни пролетариат синфий кураш мақсадларини тушунишга ёрдам бериш, уларнинг фикрини беш йиллик режалар билан пахта дастурини бажаришга ва халқ хўжалигини мустаҳкамлашга сафарбар қилиш;
- д) Компартия раҳбарлигида ишчилар синфи ва деҳқонлар ўртасида алоқасини мустаҳкамлаш, саноатнинг етакчи ролини кучайтириш ва қишлоқ хўжалигининг қолоқ қисmini олға суриш каби мақсад ва вазифалар эгаллаган эди [43].

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг III съезди 1927 йил 16-24 ноябрда бўлди. Съездда “Давлат аппаратини маҳаллийлаштириш ва ерлик миллат ишчиларини ишлаб чиқаришга жалб қилиш тўғрисида”ги масала кўрилди[44]. Давлат аппаратини

махаллийлаштириш ва маҳаллий миллат ишчиларини ишлаб чиқаришга жалб қилишга Ўзбекистон меҳнаткашларини социализм қурилишига тортишнинг йўлларида бири сифатида, ишчилар синфи билан деҳқонлар ўртасидаги иттифокни мустаҳкамлаш кераклиги, партия раҳбарлигининг ҳал қилувчи аҳамиятини сақлаб қолиш учун пролетариятнинг раҳбарлик ролини амалга ошириш асосий восита сифатида қаралди. Лекин амалда давлат органларининг бу масала бўйича съездда қабул қилган қарорлари тўлиқ бажарилмади. Масалан, ишлаб чиқариш соҳаларидаги раҳбарлик лавозимларига кўтарилган 746 нафар кишининг атиги 323 нафари маҳаллий миллат вакилларига мансуб кадрлар бўлди [45]. Шу билан бирга Ўзбекистондаги миллий инженер-техник зиёлилар қатламининг етарли эмаслиги ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Ўзбекистон шароитида маҳаллийлаштириш моҳиятан маҳаллий халқларни давлат аппаратида жалб қилишни англатарди. Маҳаллийлаштириш сиёсатида оид кўплаб ҳужжатлар ва материалларнинг таҳлилидан шу нарса кўринадики, барча ходимларнинг умумий сони кўпайганига қарамадан муассасалар ва корхоналар бўйича туб аҳолининг солиштира салмоғи камайиши юз берган, бу борада барқарорлик қайд этилмаган. Ўзбекистонда 1925-1940 йилларда ҳокимият органлари ва давлат бошқарув аппаратларини маҳаллийлаштириш бўйича кўплаб декрет ҳамда қарорлар қабул қилинди. Бироқ буларнинг ҳаммаси деярли ҳаётга татбиқ этилмай қолаверди. Чунки “маҳаллийлаштириш бўйича қатъий қоидалар йўқ эди, фақатгина юзаки шиорлар бор эди”. Совет давлати ва ҳукмрон коммунистик партиянинг асосий мақсади ҳам ҳокимият органларини маҳаллий миллат вакилларига тўлиқ топшириб қўйиш эмас, балки ҳокимият жиловы марказ ва унинг вакиллари қўлида бўлишини афзал билган.

Тадқиқот йилларида совет ҳукумати республикалардаги раҳбар кадрларнинг маҳаллий халқ вакиллари билан тўлдириш шиорини олға сурди. Бу билан энг аввало, раҳбар лавозимларга миллий республикаларнинг вакиллари тайинлаш назарда тутилди, бироқ, бу шиорга амалда деярли риоя қилинмади. Чунки Марказ республикалар ва уларнинг раҳбарларининг ўзига мойиллиги ва сўзсиз бўйсунганини таъминлашга интилар эди. Ўзбекистоннинг Марказ билан сиёсий жиҳатдан “боғлаб” қўйилганининг мантикий натижаси шу бўлдики, Ўзбекистондаги раҳбар кадрлар доимий равишда Москва назорати остида бўлди. Улар Москвада ҳукм сурган сиёсий кайфият, хусусан, КПССнинг устивор курсининг “асири” бўлиб қолдилар [46]. Совет ҳукумати ва компартия биринчи раҳбарликка қаттиқ назоратлардан кейин “туб ерли миллат” вакиллари ҳам кўя бошлади. Партия ва давлат сиёсати билан боғлиқ барча ишларни эса Марказдан махсус қўйиладиган иккинчи раҳбар кадрлар бажарар эдилар. Иккинчи раҳбар кадр ўз навбатида

маҳаллий миллат вакиллари билан қўйилмас эди. Мисолан, Ўзбекистон Компартияси (Ўзбекистон Компартияси МК масъул котиблари – Владимир Иванов Иванович 1927 йилга қадар Акмал Икромов билан бирга ишлаган) ҳам 1925 йил февралда расмий равишда таркиб топган эди. Янги ташкил қилинган Ўзбекистон ССРнинг сиёсий ҳаётида Ўзбекистон коммунистик партияси етакчилик ролини ўйнади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бердяев Н.А. Истоки и смысл русского коммунизма. – М: Наука, 1990 - С.103-104.
2. Исламов З. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Тошкент: Адолат, 2007. – Б.114.
3. Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликлари талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари. –Тошкент: Шарқ, - 45-46 б.
4. ЎзР ПДА, 58-фонд, 16-рўйхат, 1217- йиғма жилд, 92-варақ.
5. Сталин И. В. «Бухарин ва бошқаларнинг хатolari ҳақида» (1928 й.) // Асарлар тўплами. – Т. 11. – Б. 150–160.
6. ЎзР ПДА, 58-фонд, 16-рўйхат, 1336- йиғма жилд, 106-варақ.
7. Ленин В.И. «О работе Советов» // ПСС. – Т. 36. – М.: Политиздат, 1969. – Б. 152–160.
8. КПСС. Тўртинчи тўлдирилган ва қайта ишланган нашр. – Тошкент: Ўзбекистон. 1979. – 4 б.
9. Сирожиддин Аҳмад Қизил мустамлака: катта қирғин қомуси (1929-1950 йй) – Тошкент: “Info Capital Books”, 2022. – 17 б.
10. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1941 йил 7 апрель №82 (5062)
11. В.И.Ленин асарлар, 29-том, 436-бет
12. Бекмуҳаммедов Х.Ю. Тарих терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986. – 121 б.
13. Сирожиддин Аҳмад. Қизил мустамлака: катта қирғин қомуси (1929-1950 йй) – Тошкент: “Info Capital Books”, 2022. – 27 б.
14. https://studwood.net/603358/pravo/gosudarstvennaya_sluzhba_ssr#969
15. https://studwood.net/603358/pravo/gosudarstvennaya_sluzhba_ssr#969
16. Хайдаров М. Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизими: шаклланиши, босқичлари ва моҳияти (1917-1941 йиллар). – Тошкент: “Абу матбуот-консалт”. 2012. – 109 бет.

17. Д.А.Журавлев. Государственная кадровая политика как фактор формирования политической элиты в СССР и Российской Федерации: сравнительный анализ. дис.... канд. полит. наук. – Москва. 2015. – 45 с
18. Шейла Фицпатрик. Классы и проблемы классовой принадлежности в советской России 20-х годов. // Вопросы истории. – Москва. 1990. - №8 – С. 16-33.
19. КПСС. Тўртинчи тўлдирилган ва қайта ишланган нашр. – Тошкент: Ўзбекистон. 1979. – 4
20. Ленин В.И. «Очередные задачи Советской власти» // ПСС. – Т. 36. – М.: Политиздат, 1969. – Б. 189–201.
21. Ленин В.И. «Советы – органы власти народа» // ПСС. – Т. 39. – М.: Политиздат, 1970. – Б. 15–18.
22. Волкогонов Д.А. Сталинизм: сущность, генезис, эволюция.// Вопросы истории. – Москва. 1990. - №3 –С.4.
23. Волкогонов Д.А. Сталинизм: сущность, генезис, эволюция.// Вопросы истории. – Москва. 1990. - №3 –С.10.
24. Сталин И. В. «Социализмдаги иқтисодий муаммолар»дан чиқишлар (1937 й.) // Асарлар тўплами. – Т. 15. – Б. 220–230.
25. Хлевнюк О. В. 1937-й. Сталин, НКВД и советское общество. - Москва. 1992.
26. Ийманова Д.А. 1925-1941 йилларда Ўзбекистонда кадрлар сиёсатининг мавқуравий жиҳатлари (совет ва партия ходимининг сиймоси). // O‘zbekiston milliy universiteti xabarлари, 2022, <https://science.nuu.uz/> - Б. -15.
27. Сталин И. В. «О работе по перестройке кадров в промышленности» (1933 й.) // Асарлар тўплами. – Т. 13. – Б. 210–221.
28. Первый Всеузбекский съезд Советов. Стенографический отчет. Февраль 1925 года. – Ташкент: Узбекское государственное издательство, 1925. – С.104-106.
29. “Правда Востока”, 20 февраля 1925 г.
30. ЎзР ПДА, 58-фонд, 16-рўйхат, 677- йиғма жилд, 127-варақ.
31. Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача) Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – Б. 180-186.
32. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Масъул муҳаррирлар Р.Абдуллаев, М.Раҳимов, Қ.Ражабов – Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти. -Тошкент.: Ўзбекистон, НМИУ, 2019. - 400 бет.

33. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йй.) Масъул муҳаррирлар Р.Абдуллаев, М.Раҳимов, Қ.Ражабов. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти. – Тошкент: Ўзбекистон, НМИУ, 2019. – 396 б.
34. Турсунбой Файзуллаев. Ўзбекистон янги йўлда. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993. – 13 б.
35. Конституция (Основной Закон) Узбекской, Советской Социалистической Республики // Съезды Советов в документах. 1917-1937 гг. Сборник документов в семи томах. Т. VII. Съезды Советов союзных и автономных Советских Социалистических Республик Средней Азии. Сборник документов 1923-1937 гг. – М.: Юридическая литература, 1965. – С. 118-139.
36. Ийманова Д.А. 1925-1941 йилларда Ўзбекистонда кадрлар сиёсатининг мавқурий жихатлари (совет ва партия ходимининг сиймоси). // O‘zbekiston milliy universiteti xabarlari, 2022, <https://science.nuu.uz/> - Б. -15.
37. ЎзР ПДА, 58-фонд, 16-рўйхат, 677- йиғма жилд, 124-варақ.
38. КПСС. Тўртинчи тўлдирилган ва қайта ишланган нашр. –Тошкент: Ўзбекистон. 1979. – 255 б.
39. Ҳ.Т.Турсунов Ўзбекистон совет социалистик республикасининг барпо этилиши. – Тошкент: Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти, 1958.- 195 б.
40. КПСС. Тўртинчи тўлдирилган ва қайта ишланган нашр. – Тошкент: Ўзбекистон. 1979. – 230 б.
41. ЎзР МА, 58-фонд, 5-рўйхат, 15-йиғма жилд, 3-варақ.
42. Ўзбекистон МА, 95-фонд, 1-рўйхат, 266-йиғма жилд, 3-варақ.
43. ЎзР ПДА, 58-фонд, 6-рўйхат, 742- йиғма жилд, 23-варақ.
44. XX асрнинг 20-30 йилларидаги сиёсий ва ижтимоий жараёнлар (архив ҳужжатлари ва бошқа материаллар асосида). Масъул муҳаррир Қ.Ражабов. – Тошкент: “Наврўз”, 2014. 224-238 бетлар.
45. “Правда Востока” 30 июля 1928 г.
46. Ўзбекистон: давлат ва унинг йўлбошчиси. Муҳаммад ас-сайид Салим, Иброҳим Арофат, Н.Иброҳимов, С.Иноғомов; араб тилидан тарж. – Т.: Ўзбекистон, 1999. - 43 бет.